

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 4 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** iltiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 12.04.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 4). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



инсоний фазилатларни ривожлантиради, қобилиятларни кўпайтиради, эҳтиёжларни оширади, янги кучларни шакллантиради. Инсон ички дунёси ташқи шароитлар ва уларни ўзига хос акс эттириш таъсири остида шаклланади, яъни бу таълим жараёнида ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида амалга ошади. Иккинчиси шахснинг ички фаолияти натижаси, у учун фойдали, орзу қилинган деб ҳисобланадиган фазилатларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Инсоннинг шахсий ўсиши билан унинг ички дунёсида ҳам, ташқи қисмида ҳам ўзгаришлар бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. № 19 (7521)
2. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -195 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// 25.01.2019. <http://www.uza.uz>.
4. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, - 300 б.
5. Амирхўжаев Ш. Оилавий муносабатлар маданиятини трансформациялашувига таъсир кўрсатадиган омиллар.// СамДУ Илмий ахборотнома. ISSN 2091-5446. Самарқанд 2020 йил 4-сон (120). -39 б
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.//<http://www.lex.uz>.
7. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -535 б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Абдуллаев Акмал Насриддинович

НамДУ Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Мақолада глобаллашув жараёнида исломий қадриятлар ва уларни фуқаролик жамиятини ривожланишига таъсири – миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанатини таъминлашдаги аҳамияти очиқ берилган.*

***Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, қадриятлар, Ислом дини, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар, демократик ва анъанавий қадриятлар.*

ВЛИЯНИЕ ИСЛАМСКИХ ЦЕННОСТЕЙ НА РАЗВИТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Абдуллаев Акмал Насриддинович

Старший преподаватель кафедры национальной идеологии и правового образования
НамГУ



Аннотация: В статье раскрывается значение исламских ценностей в процессе глобализации и их влияние на развитие гражданского общества - в обеспечении баланса национальных и общечеловеческих ценностей.

Ключевые слова: гражданское общество, ценности, ислам, национальные и общечеловеческие ценности, демократические принципы, демократические и традиционные ценности.

ISLAMIC VALUES AND THEIR INFLUENCE ON THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION

Abdullaev Akmal Nasriddinovich

Senior Lecturer, Department of National Ideology and Law Education, NamSU

Abstract: The article reveals the importance of Islamic values in the process of globalization and their influence on the development of civil society - in ensuring the balance of national and universal values.

Keywords: civil society, values, Islam, national and universal values, democratic principles, democratic and traditional values.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти шаклланаётган кўплаб шахслараро муносабатлар, оилавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний ва бошқа бирлашмалар ва тузилмалар мажмуи сифатида талқин қилинади. Яъни “Фуқаролик жамияти турли хил манфаатлар, қарашлар, шунингдек, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, турли уюшмалар орқали таъминланади. Бу манфаатлар ўзаро алоқалар, келишувлар ва мурося орқали амалга оширилади. Ушбу ташкилотлар кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатларини, жумладан, сиёсий манфаатларини қондиришда фаол иштирок этади, ўз фаолиятини эса жамиятдаги ҳуқуқий нормалар, анъаналар орқали мувофиқлаштиради” [1]. Шу нуқтаи-назардан қараганда, глобаллашув жараёнида фуқаролик жамияти фаолиятини такомиллаштиришда исломий қадриятлардаги жамоа ва инсон манфаати билан боғлиқ муҳим қарашлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, “...исломий қадриятлар – охириги ва мукаммал илоҳий китоб бўлмиш Қуръони Карим мазмунини ифодалаган умуминсоний, илоҳий ғоялардан иборат маънавий қадриятлар тизими бўлиб, ислом дини ва исломий қадриятлар моҳиятан бошқа-бошқа нарсалар эмас. Ислом динида шундай ажойиб ғоялар, қарашлар, таълимотлар, фалсафий – ахлоқий қоида ва ўғитлар мавжудки, уларга амалий фаолиятда асосланиш, суяниш фақат мусулмонларгагина эмас, мусулмон бўлмаганларга ҳам, умуминсониятга ҳам муҳимдир” [2].

Замонавий сиёсатнинг муҳим вазифаси - бу фуқаролар онгида фуқаролик жамиятини ва унинг қадриятларини шакллантиришдир. Миллат ҳаёти маънавий қадриятларга асосланган бўлса, у давлатнинг ривожланишида ва ҳар бир инсоннинг дунёқарашида муҳим рол ўйнайди.

Бир томондан, фуқаролик жамияти бу дунёвий жамият бўлиб, диний муносабат билан белгиланмайдиган шахс ижтимоий муносабатларининг турини шакллантиради. Бундай жамиятда деярли ҳеч нарса шахс манфаати ва рационаллигидан келиб чиқиб,



унинг эркинлиги ва мустақиллигига тўсқинлик қилмаслиги керак. Бошқа томондан, фуқаролик жамияти уюшмаларнинг, мустақил бирлашмаларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг хилма-хил шакллари назарда тутати ва фуқаролик жамияти таркибида диний ташкилотлар учун муҳим рол ўйнайди. Айниқса, академик Э.Юсупов таъкидлаганидек, “Ислом дини инсонларни асрлар давомида аҳилликка, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаган, зўрлик ва зўравонликни, адолатсизликни қоралаган, ҳар бир шахсни ҳалоллик, иймонийлик, инсофлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатган. Ўн тўрт аср давомида исломий қадриятлар ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихий анъаналари, урф-одатларига ҳам чуқур сингган, уларни ривожлантирган” [3].

Фан соҳасида дин ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мувофиқлик муаммоси бўйича консенсус ҳали шаклланмаган ва қандай ривожланиши аниқ эмас. Жамият аъзолари бир хил эмас ва одамларнинг диндорлик даражаси ҳеч қачон тенг бўлмайди. Диндор одамлар, атеистлар ва вакилаторлар жамиятда доимо бўлган ва ҳозир ҳам бор. Олимлар ҳар доим диннинг ролига ҳар хил қарашган. Демак, С. Франкнинг фикрига кўра, ўзаро боғлиқ бўлиши керак бўлган дин фуқаролик жамияти учун муҳим рол ўйнаган. Мамлакатимизда узоқ вақтдан бери амал қилиб келган марксизм мафкураси, аксинча, диннинг жамиятдаги ролини паст баҳолаган, уни салбий инкор этувчи, тўлиқ инкор этишгача борган. Кўриб чиқиладиган муаммо доирасида дин ва фуқаролик жамияти бир-бирига мос келадими-йўқлигини ва ислом минтақасида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг роли ва имкониятлари қандай эканлигини, асосий муаммоларни, тўсиқларни ва зарур шартларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнига исломий қадриятларни қай даражада мос келишини, солиштирилишини ва улар киритилаётган жамият ҳақиқати билан, асрлар давомида ривожланиб борган жамият ва шахснинг қадрият муносабатларига мос келишини аниқлаш ҳам бутунги кунда ҳал этилиши муҳим бўлган муаммолардан ҳисобланади. Шу ўринда аввало, биз диннинг фуқаролик жамияти билан қандай алоқаси борлигини, улар бир-бирига мос келишига эътибор қаратамиз.

Дин инсоннинг дунёқарашини шакллантиради. У фундаментал ижтимоий қадриятларни ривожлантиради. Маданият ва ахлоқ қоидалари фуқаролик жамиятининг муҳим хусусиятларидир ва улар диннинг иштирокисиз шаклланмайди. Бошқа томондан, у инсонни чеклайди, маълум меъёрлар ва тақиқларни киритиб жамият ва шахс маънавий-ахлоқий муносабатларини мустаҳкамлайди. Шу боисдан ҳам айнан фуқаролик жамиятида дин билан жиддий келишмовчиликлар бўлмаслиги керак, чунки бундай жамият инсон, виждон ва дин эркинлигини тўлиқ кафолатлайди. Ва ҳар бир шахс ўз эътиқоди ва дин масалаларига бўлган муносабатини мустақил равишда белгилайди, бу эса ўз навбатида назорат қилиш, мажбурлаш функциясига эга эмас, яъни, инсон учун танлов эркинлиги мавжуд бўлади. Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида ёзадилар: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги маҳлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат, Чунки инсонлардагина ривожланиш, руҳий камолот ҳислати мавжуд”. [4]

Диннинг жамиятдаги ролини бостириш ва инкор этишга қаратилган барча уринишларга қарамай, у ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олди ва қайта тикланди. Энди



деярли барча муаллифлар “дин - бу фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлиб, у ўз таърифи билан маънавий ва диний муҳим рол ўйнайдиган одамлар, нодавлат тузилмалар ва нодавлат муносабатлар бирлашмасидир” деган фикрни илгари сурмоқдалар. Чунки булар тинчлик, барқарорлик, жамиятдаги низолар даражасини тартибга солиш ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам М.Хайруллаев “IX-XII асрларда мусулмон маданиятидаги умумий маданий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ижодида ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Эллинистик даврнинг охирларида фан ва маданият маркази Мисрнинг Искандария шаҳри деб ҳисобланган бўлса, IX-XII асрларда эса, мусулмон маданиятининг “олтин даври” бўлмиш фан ва маданият ривожини Хуросон ҳамда Амударё ортидаги ўлка - Мовароуннаҳр (Марказий Осиё) ҳудудига кўчиб ўтди. Ўша даврларда Марказий Осиёдан Муҳаммад Хоразмий (783-850), Аҳмад Фарғоний (тах.865), Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810- 870), Муҳаммад Термизий (824-892), Абу Наср Фаробий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037), Маҳмуд Замахшарий (1075-1114) каби йирик алломалар етишиб чиқди, уларнинг беназир ақл-заковати она замин довуғини оламга ёйди, номлари эса тарих зарварақларига абадий ҳарфлар билан ёзилди” [5] деб таъкидлайди.

Диннинг унинг таъсири одамлар онгида ҳукмрон бўлган ва кўп ҳолларда ижтимоий ва сиёсий жараёнларда ҳал қилувчи бўлган ҳудудларда фуқаролик жамияти қурилишига бўлган нуқтаи назарини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам жамиятшунос олимлар томонидан фуқаролик жамияти ва исломнинг уйғунлиги, ислом жамиятида фуқаролик жамиятини қуриш имкониятлари масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Исломда фуқаролик жамияти ва демократияга яқин бўлган бир қатор принциплар мавжуд: кенгаш, ҳокимиятни сайлаш, ҳукмдорни назорат қилиш ва норозилик ҳуқуқи, сўз эркинлиги, жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, хайрия, ҳуқуқ фуқароларнинг митинг ва намойишларга, тенглик, адолат, эркинлик, ҳамкорлик, дин эркинлиги, сиёсий партиялар ва кўп партияли тизим, шахс ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилиш, мулк ҳуқуқи, ҳаракатланиш ва саёҳат эркинлиги - буларнинг барчаси бир марта Мадина конституциясида акс эттирилган. “Ислом миллионлаб одамларнинг дуёнқараши, яшаш тарзини белгилаб берадиган реал омилдир. Шу муносабат билан Ислом динининг сўз эркинлиги ва мусулмон мамлакатларида инсон ҳуқуқларини таъминлаши истиқболларига оид масалалар ўта қизиқарлидир.... Ислом эътиқодига кўра, шу икки манба мусулмонлар учун ҳам шахсий, ҳам жамоат ҳаётининг барча жабҳалари учун йўл кўрсатувчи ёруғ нурдир. Қуръони Каримда мусулмон жамиятидаги барча фуқаролар учун уларнинг ирқий, этник ёки конфессионал мансублигидан қатъи назар сўз эркинлиги таъминланади. Шунга биноан Ислом динига эътиқод қилмайдиган одамлар билан мужодала-мунозара олиб боришни мумкин дейди. Қуръони Каримда: “(Эй мўминлар), сизлар аҳли Китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар...”, дея марҳамат этилган (“Анкабут” сураси, 46-оят)” [6]. Шу боисдан ҳам “Ўзбекистонда ислом дини кадриятларини тиклаш, уларни илмий асосда ўрганиш бўйича бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Тошкент ислом университетининг Халқаро ислом академиясига айлантирилиши, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази, Самарқандда “Ҳадис” ва



“Калом” илмий мактабларининг ташкил этилиши, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий–тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг очилиши соҳадаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этди” [7].

Исломшунос олимлар таъкидлаганидек, “Демократиянинг асосий тамойиллари биринчи бўлиб Исломда ўрнатилган. Чунки расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васалламнинг Мадина жамоатининг сиёсий модели ўзининг конституциявий асослари, демократия ва турли дин вакилларининг виждон эркинлигини кафолатлаганлиги билан алоҳида ажралиб туради”. Аҳолининг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, умумий фаровонликнинг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиши, фуқаролик жамиятини ривожланиши, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликлари маданий ва диний бўлишидан қатъи назар ҳар қандай мусулмон инсон учун ҳам хосдир. Шу боисдан ҳам халқимиз исломни уларга кўп эркинликлар берадиган, уларни қўрқувдан ҳимоя қиладиган, ўзаро ҳурматни оширадиган ва инсонни барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган куч сифатида кўришади. “Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқлик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур” [8] (Наҳл: 90) ояти тафсирида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳасан (р. а.) айтадилар: “Бу буйруқ ояти бўлиб, одамлар ўрталарида ҳукм қилишда адолатга ва эзгу амалларга буюради. “Қариндошларга яхшилик қилишга...” ояти қариндошларга фарз бўлган нафақадан ташқари яна бошқа нарсалар ҳам бериш деганидир. Демак, шариатда қариндошларга яхшилик қилиш ва адолат, эзгу ишлар қаторида саналаяпти. Абу Бакр Асом эса: “Адолатга буюради” ояти, уларни ўз зиммаларида бўлган ҳақларини адо этишликка буюради, деганидир”, – дейди. “Бузуқчилик ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради” – ояти гуноҳлар ҳақида бўлиб, Аллоҳ барча гуноҳлардан қайтаради. Муқотилнинг айтишича, оятдаги “аҳсон” – одамларнинг бир-бирларига қиладиган яхшиликлари. “Яқинларга яхшилик” – сийлаи раҳм, “бузуқлик” зино, “ёвуз ишлар” – маст бўлиш, “зулм” – одамларга зулм қилиш деганидир” [9].

Бугунги кунда мамлакатимизда исломий нодавлат ташкилотлар фаолияти, маҳсулотлари ва алоқалари тобора кўпроқ эътиборни жалб қила бошлади. 30 йил олдин илмий жамоатчиликнинг алоҳида эътиборида бўлмаган ушбу ташкилотлар томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришга бўлган интилиш ҳар томонлама ўрганилмаганлиги бугунги кунда айни шу йўналишдаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни тобора оширмақда. Сўнгги йигирма йил ичида мамлакатимизда юз берган тезкор катта сиёсий ўзгаришлар мамлакатни ларзага келтирди, иқтисодий ва ижтимоий инқироз юзага келадиган вақт деярли йўқ. Жаҳон миқёсида сезиларли ўзгаришлар юз берадиган ушбу жараён мусулмон олами халқаро аралашувлар марказида бўлган даврдир. Шунинг учун, бу даврда исломий нодавлат нотижорат ташкилотлари сиёсий ўзгаришларга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузилишдаги ўзгаришларга ва турли хил экологик шароитларга боғлиқ равишда жиддий ўзгаришларга дуч келди ва тобора кўзга ташланиб, тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Исломизм ва исломий ташкилотлар азалдан муҳим муҳокама мавзуси бўлиб келган. Бироқ, ушбу мунозараларда жамиятшунос олимларнинг ментал қарашлари одатда ўзгача маъно-мазмун касб этади. Аслида, агар менталитет ўзгариши бўлса, биз институционал тузилиш ва фаолиятдаги ўзгаришларни кўришимиз ёки синашимиз



исломий тузилмаларни илмий тушуниш нуқтаи назаридан жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боисдан ҳам узоқ вақт давомида фуқаролик жамияти бўйича мунозаралар давом этмоқда. Фуқаролик жамиятининг барча назарий ва социологик маъноларини қамраб олган ушбу мунозараларнинг ўлчовларидан бири бу давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни қайта шакллантиришдир. Глобализация даврида исломий жамоат ташкилотларини қайта тузилиши бир томондан ижтимоий тузилишдаги ўзгаришларга тўғри келса, бошқа томондан бу давлатнинг бюрократик қайта тузилиши ва ҳуқуқий тартибнинг ўзгариши билан ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ислом нодавлат нотижорат ташкилотлари бошидан кечирган ўзгаришларнинг энг муҳим ўлчови бу давлат билан муносабатлар чегараларининг ўзгаришидир. Эҳтимол, бошқа барча ўзгаришлардан устун бўлган тарзда, исломий фуқаролик субъектлари ўзларининг анъанавий давлатга қарши чиқишлари ва тузилмаларидан халос бўлиб, давлатлар билан ҳамкорликда ва ўзаро муносабатларда ташкилотларга айланмоқдалар. Ислмоий фуқаролик ташкилотлари, айтишимиз мумкинки, бу жараёнда уларнинг тузилмалари, молиявий ресурслари, ижтимоий муносабатлари ва фаолиятидаги ўзгаришлар уларнинг давлат ва жамият билан муносабатларини қайта шакллантиришда аниқроқ бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислохотларнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кейинги беш йилликда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида белгиланган [10]. Бизнинг назаримизда, фуқаролик жамияти шароитида давлат-жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасини белгиловчи, маҳаллий ҳокимият органлари эркинлигининг меъёрини аниқлаб берувчи, улар билан ўзаро муносабатларини демократик тамойиллар асосида ташкил этувчи институт вазифасини ўтамоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари белгиланган. Шу боисдан ҳам, Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот, уларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги бўлган тизим - Халқ қабулхоналари институти ўзбек давлатчилиги мактабига хос бўлган адолатпарварлик, ҳақиқатни амалда таъминлаш борасидаги ана шундай улуғ анъаналар илдизларидан қувват олади. Давлатимиз раҳбари бугун куйиб-ёниб барчамизни халқ қалбига қулоқ солишга, одамларнинг дард-ташвишларини астойдил



тинглашга, муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам беришда даъват этаётгани - бу борада айрим катта-кичик амалдорларнинг онгида тошдай қотиб қолган эскича қарашларни таг-томири билан қўпориб, унинг ўрнига халқ истаклари асосида ишлашни, принципларини ҳаётимизда чуқур жорий қилишга қатъият билан ҳаракат қилаётгани буюк шоиримиз айтганидек, “Қучок очиб халқ ичига бориш” унинг армонларини ушалтириш, орзуларини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадларга қаратилган” [11].

Фуқаролик жамияти инсон ҳаётининг барча (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий) соҳаларини қамраб олган шундай бир ижтимоий маконки, унда ҳар бир шахс ва жамоа аъзоларининг манфаатлари, қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ҳисобга олинади, ҳимоя қилинади ва муҳими-рўёбга чиқарилади. Айни шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Жумладан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, барча давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш таклиф этилди [12]. Чунки фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими бўлиб, у шахс ва жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади. Кўпчилик хориж олимларнинг эътироф этишларича: “Фуқаролик жамияти - инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси (шу соҳадаги муносабатлар йиғиндиси)дан иборатдир” [13].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эргашев И., Холбеков А., Жакбаров М., Умарова Н. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя. – Т.: Академия, 2005. – 41-б.
2. Мамадалиева Ф.А. Исломий қадриятларда шахс масъулияти муаммоси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент – 2020. – Б.13.
3. Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва диний экстремизм. –Т.: Тўқимачилик институти нашриёти. 1999. -Б. 10.
4. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Т., Ўзбекистон 1997. 172-б.
5. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. -Тошкент: ФАН, 1994. – Б. 7-11.
6. <http://mail.islamonline.uz/index.php/item/327-islomda-fikr-soz-erkinligi>
7. Мамадалиева Ф.А. Исломий қадриятларда шахс масъулияти муаммоси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент – 2020. – Б.5.
8. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 277.
9. Мотуридий. Таъвилот аҳли-сунна. Маждий Басаллум таҳрири остида. – Байрут: Дарул-кутубил илмия, 2005. – Ж. 1. – Б. 113-114.
10. <http://huquqburch.uz/uz/article/5436/>



11. <http://buxoro.adliya.uz/buxoro/uz/publikatsii/detail.php?ID=35507>
12. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
13. **Anheier H. K.** (англ.)русск. *Civil society: Measurement, Evaluation, Policy*, London, 2004.; Fleurbaey M. «**Economics and Economics Justice**», *The Stanford Encyclopedia of Philosophy*, (Winter 2014, Edition), Edward N. Zalta (ed) **Putnam R. D. Bowling Alone: The Collapse and Revival of American Community** (англ.)русск. — N. Y.: **Simon & Schuster**, 2000.

ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ХАНИФА ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИДА СУРАТ ВА СИЙРАТ МАСАЛАСИ

Атаджонова Динора Улугбековна
Урганч Давлат университети, мустақил тадқиқотчиси,
+998973632271, email: ravshonbek.saurov@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада, Имоми Аъзам Абу Ханифа педагогик қарашларида сурат ва сийрат масаласи кенг ёритиб берилган. Шу билан бирга, исломшунос олимнинг Куръони Каримда келтирилган хулқий гўзаллик ҳақидаги фикрлари ҳам айтиб ўтилади.

Таянч тушунчалар: Эркинлик, ахлоқ, гийбат, меҳмондўстлик, камтарлик, соддалик, бурч, дўстлик, масъулият ҳисси

ПРОБЛЕМА ВНУТРЕННЕГО МИРА И ВНЕШНЕГО ОБЛИКА ЧЕЛОВЕКА В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВОЗЗРЕНИЯХ ИМАМА АЗАМА АБУ ХАНИФЫ

Атаджонова Динора Улугбековна
Ургенчский государственный университет, независимый исследователь,
+998973632271, электронная почта: ravshonbek.saurov@gmail.com

Аннотация: В статье рассматривается проблема внутреннего мира и внешнего облика человека, которая широко освещается в педагогических воззрениях имама Азама Абу Ханифы. В то же время уточняются взгляды исламских ученых на нравственную красоту, упомянутую в Коране.

Ключевые слова: свобода, нравственность, сплетни, гостеприимство, смирение, простота, долг, дружба, чувство ответственности.

THE ISSUE OF INNER WORLD AND OUTER APPEARANCE OF THE PERSON IN THE PEDAGOGICAL VIEWS OF IMAM AZAM ABU HANIFA

Atadjonova Dinora Ulugbekovna
Urgench State University, independent researcher,
+998973632271, email: ravshonbek.saurov@gmail.com

Annotation: This article describes the issue of inner world and outer appearance of the person, which is widely covered in the pedagogical views of Imam A'zam Abu Hanifa. At the same time, the Islamic scholar's views on the moral beauty mentioned in the Qur'an are also clarified.



МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1	Аморф яримўтказгичларда экспоненциал оптик ютилиш коэффициенти спектри ва валент зона думидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимооти Икрамов Р. Ғ, Жалалов Р. М, Ураимжонов И.М, Бекбоева С.Қ, Турғунова Н. А.....	3
2	Представление элементы вариационного ряда Мадрахимов А.Э	9
3	Математик мантиқнинг баъзибир татбиқлари Неъматов И, Акбарова С.Ҳ	14
4	Molekulyar fizikadagi fizik kattaliklarning statistik tavsifi Xolmo'minov J. O, Abdullayev J. M, Izbosarov B.F	17
5	Задача продолжения для абстрактного бикалорического уравнения Эгамбердиев О.М	22
6	Modification of "life line" game of isaacs Samatov B.T, G'ayniddinov Sh.T, Uzoqboyev X.Q, Abdurahimova Z. I.....	25

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

7	Темир (II) ва (III) ионларининг аралаштирилган комплекслари тузилишини ядро гамма-резонанс спектроскопик усулида ўрганиш Алиев Т.Б, Хусенов К. Ш, Мухиддинов Б. Ф, Бегманов С. Н	33
8	Helianthus tuberosus L.(топинамбур) ўсимлиги полисахаридларининг анализи Маматкулова С. А, Дехканов Р.С, Абдуллаев Ш.В, Матмуродов У.У	38
9	Количественное определение состава и сравнительные исследования физико-химических свойств крахмала различного происхождения. Карева Н.Д., Муслимова М.А., Шахобутдинов С.Ш., Югай С.М., Турдикулов И.Ҳ., Атаханов А.А.....	43
10	Обогащенный суперфосфат на основе переработки мытого сушеного концентрата Расулов А.А, Очилов С У, Намазов Ш.С, Пирназаров Б.У, Курбаниязов Р.К.....	50
11	5-гидрокси-3'-метокси-7,4'- диацетилокси-флавоноининг каламуш аортаси қисқариш фаоллигига таъсирини ўрганиш Омонтурдиев С.З., Зарипов А.А., Мирзаева Ю.Т., ¹ Усманов П.Б., Комилов Б.Ж.....	58



03.00.00 **БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

12	Ферменты и общий белок крови, слюны, мочи у беременных с гестозами на фоне пиелонефрита Хамракулов Ш.Х.	65
13	Ферментный спектр крови, слюны и мочи у больных хроническим пиелонефритом Касимова Д.С.	70
14	G'o'zaning fotosintez sof mahsuldorligiga bor va ruh mikroelementlarining ta'siri. Tursunov A.I.	73
15	Жанубий фарғона бўз тупроқларида мишьяк ва оғир металллар миқдорининг ўзгариши Абдухакимова Х.А, Исағалиев М.Т.	76
16	Санзор дарё ҳавзаси қориноекли моллюскаларининг фаунаси ва экологияси Каримкулов А. Т.	82
17	Кузги буғдой навларини минерал ўғитларга талабчанлигини аниқлаш. Мамаджанова М.А.	87
18	Мирзачўл шароитида батат <i>ipomoea batatas</i> l. lam.нинг барг тўқимасида хлорофилл миқдор кўрсаткичлари Исмаилова. Н. А., Қўшиев Ҳ.Ҳ.	90
19	F-18 алкалоидининг аорта силлиқ мускул қисқариш фаоллигига релаксант таъсири Зарипов А.А, Есимбетов А.Т, Омонтурдиев С.З, Усманов П.Б, Журакулов Ш. Н.....	99
20	Нон махсулотлари ишлаб чиқишда ишлатиладиган доннинг микрофлораси ва уларда учрайдиган картошка касаллиги Ҳақназаров Б.Б, Джахангирова Г.З, Тураева Б. И.	104
21	Ўсимлик номлари билан боғлиқ этнографизмлар Эшмуродова З.Р.	110

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

22	Особенности мониторинга и прогнозирования чрезвычайных ситуаций техногенного характера в республике узбекистан Кадиров У.Б., Санжар Ж.И., Мамадбоев Ш.Б.	117
----	---	-----

07.00.00 **ТАРИХ ФАНЛАРИ**
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

23	O'zbekiston tarixini o'rganishda arxeologiya fanidagi tadqiqotlarning ahamiyati Turg'unov Sh A.	128
----	--	-----



24	Хорижий давлатларда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларининг ижобий тажрибасини ўзбекистон республикасига имплементация қилиш масалалари Шамшиев Ж. А	132
25	Тарих ўқитиш методикаси таълимида тажриба ва амалий иш усулларидадан фойдаланиш Боймирзаев Х.К.	138

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

26	Жамият тараққиётининг янги босқичида ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари Ғулумжонов О.Р	146
27	Глобаллашув жараёнида исломий қадриятларнинг фуқаролик жамияти ривожланишига таъсири Абдуллаев А.Н	151
28	Имоми Аъзам Абу Ҳанифа педагогик қарашларида сурат ва сийрат масаласи Атаджонова Д.У	158
29	Огахий ижодига алишер навоийнинг инсонпарварлик ғоялари таъсири Қалаңдарова М.А	164
30	Зиёлиликни маънавий-ахлоқий ҳодиса тариқасида намоён бўлиши Ражапов О.Б	168
31	Ёшларнинг ижодий тафаккурини юксалтиришда шарқ алломаларни маънавий меросини ўрни Ражаббоев Ж.Ж	172
32	Ёшларни ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилишда миллий ғоя негизига таянишнинг истиқболлари Ташметов Т.Х	177
33	Жамоатчилик билан алоқалар (паблик рилейшнз) дунёвий фан сифатида пайдо бўлиши ва жамият тараққиёти таъсири Турсунова Ш. Б	183
34	Абу Райҳон Беруний асарларида ёшларнинг ахлоқий-маърифий қарашларини ёритилиши Ҳажиева М.С	188
35	Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий қарашларида маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари Ҳоджаниязов С.У	193
36	Тизимли ёндашувнинг фалсафий-методологик муаммолари Ғаффарова Г. Ғ	197



10.00.00

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

37	Конверсия ва трансонимизация усули билан гемеронимлар ҳосил бўлиши Юлдашев О.Т	203
38	Инглиз ва ўзбек тиллари тиббиёт терминларининг структур-семантик хусусиятлари Расулова Н.А	208
39	Малакаларининг тузилишига кўра нутқ кўникмаларига технологик ёндашув Абдувалиева А.З	214
40	Инглиз ва ўзбек тилларида рангни ифодаловчи бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари Саноева Г.Р	219
41	Umumiy o'рта ta'lim maktablarda ingliz tilini ertaklar yordamida o'qitishning samarali jihatlari va usullari Aliyeva D.M	223
42	Ingliz va o'zbek tilshunosligida evfemiya hodisasining tadqiqi Dexqonboy nabirasi O.M	227
43	Ingliz tili so'zlashuv nutqidagi shevaga xos so'zlar va ularning meyordagi ingliz tili bilan qiyosiy tahlili Mirzaholova N. K	231
44	French borrowing words in english language Isakova Sh. I	236
45	Badiiy diskursda kognitiv metaforalarning ishlatilishi Rajarova M.A	240
46	Эффективные методы обучения иностранным языкам по данным анкетирования студентов Исроилова Д.И	245
47	Innovative teaching methods of architecture terminology in higher education Atabayeva N.J	249
48	Ўзбек тилидаги тақлидий маъноларни инглиз тилидаги ахамияти Алиева Н. Н	253
49	Assessing the knowledge of students on the moodle platform Solieva M.A	256
50	The study of euphemisms in linguistics. Ismoilova H. I, Nishonova Sh.M, Jo'rayeva Z.Sh	261
51	The role and importance of rhyme and radif art in literature. Kholikov Z.O, Samandarov Sh.S	264
52	Собир Абдулла ижодида шайх образи Ҳайдарова Г.А	269
53	Classification of russian construction terminological units Utemuratova Z.A	275
54	Спорт терминларининг тараққиётида номинациянинг ўрни	



	Саримсоков Х. А	278
55	Оксюморон бадий матни шакллантирувчи восита сифатида Абдупаттоев М. Т	283
56	Classification of english terminology related to construction and their translation Zakirova Kh.A	289
57	Rus tili mashg‘ulotlarida axborot-kommunikativ texnologiyalarni samarali qo‘llash masalalari Rahmatova O.K	292
58	Methods of teaching construction terminological units in foreign language Salimova K.M	296
59	Жаҳон ва Ўзбек тилшунослигида когнитивизмнинг илмий - назарий ахамияти. Сайфутдинова М	299
60	Вариационные трансформации фразеологических единиц в кратких немецко - иноязычных фразеологических словарях Эм Мая	306
61	Роль ученических тетрадей в усвоении и закреплении знаний. Джуманазарова З	309
62	Миллий тўқимачилик ва енгил саноат газламаларининг терминлариаро муносабат турлари Аъзамов С.М.	312
63	Швейцария адабиётида кичик насрнинг ривожланиш босқичлари Кучкарова Х.Ш	319
64	Principles of compiling of the uzbek-german bilingual electronic dictionaries Komolova Sh A	326
65	Шукур Ходмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги Ҳамидова М.О	330
66	Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши хусусида Шарипов Ф. Г, Тўйчиева З. Ҳ	335
67	Factors that have influenced on Khudoyberdi Tukhtaboyev 's adventure novels Qo‘chqorova M	340

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

68	Improving the organization and management of pedagogical processes in higher education institutions through a strategic approach Turgunov S.T, Akmalova D. T	346
69	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт психологларини тайёрлаш муаммосига тизимли ёндашув Турсуналиев И.А	352
70	Историческое мышление будущего учителя истории как фактор	



	Формирования компетентности	
	Замилова Р. Р	358
71	Бошланғич таълим фанларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омиллар	
	Файзуллаев А.Ю	362
72	Преимущества и недостатки дистанционное обучение иностранному языку	
	Яхшибоева Г.О	366
73	Ўқувчиларнинг мантиқий компетентликни шакллантириш мезонлари ва математикани ўқитиш жараёнида уни шакллантиришнинг дидактик усуллари	
	Кодиров К.Р., Нишонбоев А.С., Қодирова Х.К	371
74	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini nutq va o'quv faoliyati turi sifatida tinglashga o'rgatish	
	Abdurahmanov B. S	376
75	Advantages and disadvantages of modular object-oriented dynamic learning environment (moodle) in the system of education	
	Saidova Z. Kh	380
76	O'zgarishli ifoda tuzishga o'rgatish	
	Asimov A, Tillaqo'ziyeva D	384
77	Объектга асосланган дастурлаш тилларида файллар билан ишлашни ўргатиш услубияти	
	Отаханов Н.А	388
78	Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda kognitiv faoliyatning afzallik tomonlari	
	Abdug'opirova F. A	394
79	Matematika va ona tili darslari integratsiyalashuvida pedagogik texnologiyalar	
	G'oyibnazarova N. R	400
80	The implementation of common european framework of reference into teaching efl classes in Uzbekistan	
	Ikromova M. D	405
81	Маърифатпарварлик адабиётида таълим- тарбия муаммоси	
	Матчонов С.	412
82	Она бағридаги омонат гавҳар	
	Шаамирова Ю. К	416
83	O'quvchilarining jismoniy sifatlarini tarbiyalash va chiniqtirish usullari	
	Irisov A	421
84	Use of tsip method in teaching mechanical engineering in higher education	
	Toshtemirova G.A	425
85	Umumta'lim maktablarida fizikani "elektromagnit tebranish va to'lqinlar" mavzusini o'qitish usullari	
	Rahmanov V. T	430
86	Талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда визуал дастурлаш тилларидан фойдаланиш методикаси	
	Тураев С.Ж.	433
87	Ёшларни шарқ яккакурашлари орқали руҳий, эстетик, ахлоқий ва	



	инсонийлик сифатларини тарбиялашнинг самарали йўллари	
	Камбаров Н. С	438
88	Экстремал масалалар ва уларни ечиш усуллари	
	Ахлимирзаев А.Ю, Маматохунова Ю	444
89	Ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга самарали таъсир этувчи омиллар.	
	Қурбонова Б	449
90	Мактабда ўқувчи нутқига қўйиладиган асосий талаблар	
	Тўева З. Н	452
91	Электронные образовательные ресурсы – как основной элемент повышения эффективности учебного процесса	
	Рузиева К.Э	460
92	Мактабгача ёшдаги болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш юзасидан назарий ёндашувлар ҳақида мулоҳазалар	
	Қодиров В	463
93	Отражение вопросов социальной защиты и занятости в исламской религии	
	Валиев А.Х, Тилабова Г.Л	469
94	Nofilolofik universitetlarda professional so'zlarni va matnlarni tarjima qilish.	
	Djumaeva G.A.	474
95	Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари	
	Қурбонова Д. А	479
96	Нофилологик таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитишнинг хусусиятлари	
	Жабборова Д.И	485
97	Умумтаълим мактабларида биология ўқитувчиларининг таянч компетенцияларни ривожлантириш	
	Исабаева М.М	490
98	Совершенствование речевой компетенции через аудирование на основе материалов чтения	
	Кадирова Д.Ф.....	494
99	Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга тайёрлашнинг педагогик муаммолари.	
	Умарова З.Ў	499
100	Pedagogical analysis of the use of virtual laboratories in the educational process	
	Muradova F.R	506
101	Талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати	
	Иноятгов У.И, Муталов С.Х	508
102	Инновацион муҳандислик фаолият - техник фаолиятнинг таркибий қисми сифатида	
	Турматов Ж. Р, Нарбеков Н.Н	515
103	Болаларга хос ёзма матнларнинг трансакт таҳлили	
	Юлдашева Д.М	520



104	10-синф физика курсида ўқувчиларга ўзгармас ток қонунларидан фойдаланиб масала ечишни фанлараро интерфаол ўргатиш Умаров А. О, Зоҳидов И.О	522
105	Таржимага ўқитиш масаласи тадқиқот объекти сифатида Йўлдошев У.Р	528
106	Хорижий тилларни нон-филологик таълим муассасаларида ўқитиш усулларини оптималлаштириш Ниёзова Ю.Т	535
107	Б. блум таксономиясига таянган ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари Ярлакабов У.М	539
108	Электрон тренажёрнинг ўқув ва назорат воситаси сифатида қулланиш методлари Ҳамидов Ж. А, Қосимов С.Ҳ	544
109	Sinfdan tashqari mashg'ulotlarda maktab o'quvchilarining mustaqil faoliyatini tashkil etish (Fizika) Mamatoxunov Y. A	548
110	Бўлажак педагогларни таянч ва касбий компетенцияларини такомиллаштириш Самиджонова М. Ҳ	554
111	Sharq allomalarining salomatlik haqidagi fikrlari Ismoilov T	557
112	Развитие творческих способностей студентов на занятиях композиции в педагогических учебных заведениях Байметов Б. Б, Жаббаров Б.Г, Шарипжанов М. Ш	560
113	Эвристический метод обучения Юсупова Р. К	567
114	The use of household experiments in the formation of the conception of adsorbtion Kholmiraev U.I	572
115	Bolalarda fazoviy fikrlashning rivojlanish uslubi So'fiboyeva G.M	578
116	«Методик йўл кўрсаткич» - давлат тилида иш юритишнинг асоси сифатида Шерматова О.А., Садриддинов А.С.	584
117	Применения интерактивных методов в преподавании русского языка в национальных группах технических и технологических вузов Каримов М.А.	589